



Published on *insonvaqonun.uz* (<http://insonvaqonun.uz>)

[Бош саҳифа](#) > 2019 йил 1 январдан бошлаб мактаб ходимларига – тўлиқ пенсия

07.09.2018



Бу Президентнинг 5.09.2018 йилдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги [Фармонида](#) [1] назарда тутилган.

Эслатиб ўтамиз, фармон лойиҳаси жамоатчилик томонидан муҳокама қилинаётганда мазкур янгилик ҳақида эълон қилган эдик.

Ҳозир ишловчи пенсионерлар уларга тайинланган пенсиянинг 50%ини оладилар. [Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда](#) [2] келтирилган айрим тоифадаги шахслар бундан мустасно (*шарҳларимизга ҳам қаранг: [1-ҳавола](#) [3], [2-ҳавола](#) [4], [3-ҳавола](#) [5], [4-ҳавола](#) [6]*).

Энди 2019 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим муассасалари ходимлари бўлган пенсионерлар уларнинг сафига қўшилади. Бунда шарт киритилмоқда – уларнинг ушбу муассасалардаги фаолияти асосий иш жойи деб ҳисобланиши лозим. Жорий этилаётган норма бир қанча ўзига хос хусусиятга эга:

а) ушбу имтиёздан фойдаланадиган ходимлар тоифаси кўрсатилмаган. Назаримизда, нафақат мактабдаги педагоглар, балки барча ходимлар ҳақида сўз бормоқда;

б) аввалги имтиёзларни тақдим этиш ҳолатларидан фарқли равишда, мактабдаги иш пенсионернинг ягона эмас, балки асосий иш жойи бўлиши керак. Шу тариқа, мактаб ходимлари бўлган пенсионерларга яна қаердадир ўриндошлик асосида ишлашга рухсат берилади, дея тахмин қилиш мумкин.

Шу билан бирга, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси 2018 йил 1 октябрдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга тўлиқ пенсия тўлаш [ташаббуси билан чиққан](#) [7]. Шу сабабли умумтаълим муассасаларида ишловчи пенсионерлар 1.01.2019 йилдан илгари 100 фоиз пенсия олишлари эҳтимоли бор.

Сўнгги янгиликлар:

- [Очиқ маълумотлар портали \(data.gov.uz\) вазифалари](#) [11]
- [Суд эшиклари халқ манфаатлари учун ҳамиша очиқ](#) [12]
- [Маиший ҳисоблагичларнинг даврий қиёсловдан ўтказиш муддатлари 4 йилдан 8 йилга узайтирилди](#) [13]
- [Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонга жўнаб кетди](#) [14]
- [Газетанинг 2019 йил 33 сони нашрдан чиқди](#) [15]
- [Ўзбекистонлик ҳарбий алпинистлар Эльбурсни, ҳарбий разведкачилар эса Тар чўлини забт этди \(фото\)](#) [16]
- [“Қурол тўғрисида”ги қонун олти ойдан кейин кучга киради](#) [17]
- [Разведкачилар “АрМИ – 2019” мусобақасида иккинчи ўринни эгаллашди](#) [18]
- [Адлия вазири: Жамоатчилик кенгашлари учун янги даври бошланди](#) [19]
- [Мудофаа вазирлигида ҳарбий мобил инновацион тиббий марказ яратилди](#) [20]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/4108>

Ссылки

- [1] <http://www.uza.uz/oz/documents/khal-talimini-bosh-arish-tizimini-takomillashtirish-b-yicha--06-09-2018>
- [2] [https://nrm.uz/contentf?doc=232382_polojenie_o_poryadke_vyplaty_pensiy_rabotayushchim_pensioneram_\(utverjdeno_postanovleniem_ot_30_03_2011_g_mf_n_27_mvд_n_26_mo_n_2_mchs_n_84_snb_n_126_i_gtk_n_01-02-31_zaregistrovannym_myu_30_04_2011_g_n_2222\)&products=1_](https://nrm.uz/contentf?doc=232382_polojenie_o_poryadke_vyplaty_pensiy_rabotayushchim_pensioneram_(utverjdeno_postanovleniem_ot_30_03_2011_g_mf_n_27_mvд_n_26_mo_n_2_mchs_n_84_snb_n_126_i_gtk_n_01-02-31_zaregistrovannym_myu_30_04_2011_g_n_2222)&products=1_)
- [3] https://www.norma.uz/uznovoe_v_zakonodatelstve/bolshe_rabotayushchih_pensionerov_budut_poluchat_polnuyu_pensiyu
- [4] https://www.norma.uz/uz/novoe_v_zakonodatelstve/rabotniki_komiteta_jenshchin_i_centra_oila_budut_poluchat_polnuyu_pensiyu
- [5] https://www.norma.uz/uz/novoe_v_zakonodatelstve/zelenyy_svet_dlya_nno
- [6] https://www.norma.uz/uz/novoe_v_zakonodatelstve/na_razvitie_selskogo_hozyaystva_-_lgotnye_kredity_nalogovy_e_i_tamojennye_preferencii
- [7] https://www.norma.uz/uz/nhh_loyihalari/2018_yil_oktyabr_oyidan_barcha_ishlovchi_pensionerlarga_-_tuliq_pensiya
- [8] <http://www.norma.uz>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/print/4108>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4108>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/4992>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/4991>
- [13] <http://insonvaqonun.uz/node/4990>
- [14] <http://insonvaqonun.uz/node/4989>
- [15] <http://insonvaqonun.uz/node/4987>
- [16] <http://insonvaqonun.uz/node/4981>
- [17] <http://insonvaqonun.uz/node/4980>
- [18] <http://insonvaqonun.uz/node/4977>
- [19] <http://insonvaqonun.uz/node/4976>
- [20] <http://insonvaqonun.uz/node/4973>